



PROBLEMS RELATED TO APPLYING TO THE PRINCIPLE OF THE PRESUMPTION OF INNOCENCE IN THE PROCESS OF PROOF

Murodov Batiyorjon Bakhodirovich

Head of the Investigation Activities Department at the Academy of the
Ministry of Internal Affairs, Doctor of Law, Professor, Colonel

Yulchiyev Bakhodirjon Sobirovich

Senior Inspector of the Ministry of Internal Affairs and FRBB, Major

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14810037>

ARTICLE INFO

Received: 25th January 2025

Accepted: 30th January 2025

Online: 31st January 2025

KEYWORDS

*Criminal case, presumption
of innocence, proof, suspect,
accused, defendant, trial,
innocent person.*

ABSTRACT

*At the stage of bringing the case to the court, some problematic
situations encountered in the practice of law enforcement
related to the observance of the principle of presumption of
innocence and justified suggestions and recommendations for
their elimination have been developed.*

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ ТАМОЙИЛИГА АМАЛ ҚИЛИШ

Муродов Баътиёржон Баходирович

ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., профессор, полковник

Юлчиев Баходиржон Собирович

ИИВ М ва ФРББ катта инспектори, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14810037>

ARTICLE INFO

Received: 25th January 2025

Accepted: 30th January 2025

Online: 31st January 2025

KEYWORDS

*Жиноят иши, айбсизлик
презумпцияси, исботлаш,
гумон қилинувчи,
айбланувчи, судланувчи,
суд-тергов, айбсиз шахс.*

ABSTRACT

*Ишни судга қадар юритиш босқичида айбсизлик
презумпцияси тамойилига риоя қилиш билан боғлиқ
ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган айрим муаммоли
ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан
асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони билан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш, айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш, ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар



кўриб чиқиладиганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги ҳақидаги шахснинг айбсизлик презумпциясига доир бир қатор янги нормалар белгилаб берилди¹.

Ишни судга қадар юритиш босқичида шахснинг ҳақиқатан жиноят содир этганлиги қонунда белгиланган тартибда айбсизлик презумпцияси тамойилига амал қилинган ҳолда текширилиши ҳамда етарли далиллар билан ўз тасдиғини топган бўлиши лозим. Ушбу жараёнда шахснинг айбдорлиги ёки айбсизлиги датслабки тергов ва суриштирув идоралари томонидан исботланади. Бироқ, бу борада ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли хил ёндашувлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Жумладан, В.И.Каминскаянинг таъкидлашича: “Айбланувчининг имконсизлиги ёки унга тақдим этилган айблов материални инкор этувчи ҳар қандай фактларга мурожаат қилишни истамаслиги ҳақиқатда у учун ноқулай оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, муайян шароитларда айбланувчининг зиммасига айбловни рад этиш мажбуриятини ҳақиқатда юклашни оқилона деб ҳисоблаш мумкин”².

А.Я.Вышинский исботлаш мажбурияти ўзгариши мумкинлигига ишонган, унинг фикрича: “а) айбловни тасдиқловчи ҳолатларни исботлаш айбловчининг зиммасидадир; б) айбловни инкор этувчи ҳолатларни исботлаш айбланувчининг зиммасидад³. Ҳатто жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг назарий асосларини ишлаб чиққан М.С.Строгович, судланувчининг ўз ҳимоясида берган баъзи кўрсатувларини қандай асосда рад этиш мумкинлиги ҳақидаги саволни кўриб чиқиб, шундай таъкидлаган: “судланувчи ўз кўрсатмаларининг тўғрилигини, асослигини исботламаганлиги сабабли жавобгарликка тортилиши мумкин”⁴. Х.Рустамов эса шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, аксинча унинг жиноят содир этишда айбли эканлигини исбот қилиш субъектлари бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд исботлаб бериши шартлигини қайд эта⁵. Демак, Х.Рустамовнинг фикри асосли, чунки ишни судга қадар юритиш босқичида гумон қилинувчи, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлашга мажбур эмас, яъни унинг кўриб чиқиладиган жиноятга алоқадор эканлиги ёки аксинча, алоқадор эмаслиги ҳам суриштирув ва тергов органи томонидан исботланиши лозим.

Албатта, ҳар бир жиноят ишининг ортида инсон тақдири, унинг шаъни ва кадр-қиммати, шу билан бирга жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи ётади. Бироқ, шундай бўлсада, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят иши кўзғатилганидан сўнг, айбсизлик презумпциясига етарли даражада амал қилмаслик, шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш каби ҳолатларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони <https://lex.uz/docs/4939467> (Мурожаат қилинган сана: 05.01.2025 й.).

² Каминская В.И. Учение о правовых презумпциях в уголовном процессе. <http://lawlibrary.ru/izdanie2623.html> (Мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.).

³ Касумов Ч.С. Презумпция невиновности в советском праве. <http://lawlibrary.ru/izdanie8146.html> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.).

⁴ Строгович М.С. Право обвиняемого на защиту и презумпция невиновности. <https://ebooks.znu.edu.ua/files/Bibliobooks/Inshi45/0035598.pdf> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.).

⁵ <https://sudyaloroliykengashi.uz/uploads/pages/.pdf> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.).



Биргина мисол, 2022 йилда жами 115 та жиноят ишлари юзасидан чиқарилган оқлов ҳукмларидан 99 таси ёки 87 фоизи терговда айбланувчиларнинг айбини исботловчи етарли далиллар тўпланмаганлиги оқибатида келиб чиққанлиги аниқланган⁶.

Ишни судга қадар юритиш босқичидаги исботлаш жараёнида юқорида қайд этилгани каби айбсизлик презумпциясининг бузилиш ҳолатларига қуйидаги омилларидан бири сифатида қуйидагини келтириш мумкин. Жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида тергов қилинган жиноят ишлари ҳамда чиқарилаётган оқлов ҳукмларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суриштирувчи ва терговчилар томонидан шахснинг содир этган ижтимоий хавfli қилмишини исботлашда далилларни бевосита таҳлил қилиш ҳамда айнан ушбу далиллар уни айблаш учун етарли ёки етарли эмаслигини баҳолаш бўйича турлича ёндашувлар мавжудлиги, шу боис бу борада бир қатор хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлиги аён бўлди⁷.

Жумладан, тамомланган жиноят ишларининг таҳлили, айрим жойларда баданга қасддан ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-м.) жинояти бўйича суд-тиббий экспертиза хулосаси ва жабрланувчининг кўрсатувлари асосида шахсни жавобгарликка тортиш, ўғрилик жинояти бўйича шахснинг иқдорлик кўрсатувлари асосида унга айб эълон қилиш, фирибгарлик жинояти бўйича шахс айбига иқдор бўлмасида, жабрланувчи ва ягона гувоҳнинг кўрсатуви асосан уни айблаш каби турлича тергов амалиётининг мавжуд эканлигини кўрсатди. Бундай ҳолатларнинг сабаби ўрганилганида, суриштирувчи ва терговчилар жиноят ишининг якуний натижаларига кўра далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо бермаслиги, шахснинг айбини ҳам тасдиқловчи, ҳам рад қилувчи, ҳам шубҳа остига қўювчи далилларга ажратмасдан шошма-шошарлик билан барвақт қарор қабул қилиниши оқибатида оқловлар ҳамда жиноят ишини қўшимча терговга қацтариш каби салбий ҳолатлар юзага келаётганлиги маълум бўлди⁸.

Бизнингча, буни бир сўз билан айтганда шахсни айблаш учун айнан қайси жиноят тури бўйича қандай далиллар етарли эканлигини белгилашда аниқ белгиланган мезоннинг йўқлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга назаримизда, шахснинг айбини тасдиқловчи далиллар билан бир қаторда унинг айбини рад қилувчи далилларни ҳам таҳлил қилиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳамда ички ишончга кўра баҳолашнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги ҳам айбсизлик презумпцияси тамойилини бузилишига олиб келмоқда, дея ифодалаш ҳам нотўғри бўлмайди.

Жумладан, фуқаро Н.М. фуқаролар Г.Б., О.Р. билан бир гуруҳ бўлиб, Учтепа тумани худудида фуқаролар С.К., З.Б. ва Ш.А.ларни жинсий зўравонлик қилиш мақсадида 2009 йил 13 январь куни тахминан соат 14.00да уларни Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида жойлашган “Валя” исмли шахсга тегишли бўлган сауналарда фохишалик билан шуғулланишлари учун юборган ҳолати бўйича унга нисбатан ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми “г” банди билан айб эълон қилинган. 2022 йил 25 январдаги апелляция

⁶ Судлар томонидан 2022 йилда чиқарилган оқлов ҳукмларининг таҳлилий натижалари.

⁷ Дастлабки тергов ва суриштирув идоралари томонидан 2022-2023 йилларда тергов қилинган жиноят ишларининг статистик таҳлилий натижалари.

⁸ 2023 йил давомида айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан тамомланган жиноят ишлари ва суд ҳукмларининг таҳлилий натижалари.



инстанцияси ҳукмига кўра, суд муҳокамасида, тергов органи ва суд томонидан жиноят иши муҳокамасини бир ёклама, яъни **факат айблов нуқта назаридан олиб борилганлиги** кўрсатилиб, суд жараёнида Н.М. ўзининг кўрсатмасида О.Р. ва Г.Б. фуқаролар С.К., З.Б. ва Ш.А.ларни Қозоғистонга ноқонуний юборишларига умуман алоқаси йўқлигини, ундан фақат ушбу қизларни ўз автомашинасида айтилган манзилгача олиб бориб қўйишни илтимос қилганлигини, О.Р. ва Г.Б.ларни эса олдиндан танимаслигини маълум қилган. Юқоридагиларга асосан, ЖПКнинг 83-м 2,3-бандларига асосан Н.М.га нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган⁹.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ҳамда тергов қилинаётган жиноят ишларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолатларда амалиётчилар ўз юритиивида бўлган жиноят ишлари бўйича ишнинг кўпроқ айблов тарафига эътибор қаратиб, шахснинг айбини инкор этувчи далилларни эса ўрганмаслик ҳамда иш юзасидан тўпланган барча далилларга ҳолисона ҳуқуқий баҳо бермаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Сир эмаски, шахснинг айбини тасдиқловчи далиллар 50 фоизни, рад қилувчи далиллар ҳам 50 фоизни ташкил қилган ҳолатларда айбсизлик презумпциясига асосан жиноят иши тугатилиши лозим. Шу боис, бугунги кунда ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмида кўрсатилганидек, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим¹⁰, деган қоидага амал қилиб келинмоқда.

Шунингдек, ЖПКнинг 95-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо бериши, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги қайд этилган¹¹. Бу шуни англатадики, аввало *ишдаги барча ҳолатлар синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқилиши, сўнгра эса қонуний ва ҳуқуқий онгга амал қилган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ички ишончига кўра далилларга баҳо берилиши* лозим. Бироқ, бугунги кунда айрим ҳолатларда ушбу қоидага амал қилинмаслиги оқибатида айбсизлик презумпцияси тамойилининг бузилиши ва шахсларга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқариш каби салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Чунончи, фуқаро Х.Х. 2010-2018-йилларда, Тошкент шаҳрида ўзи билан бирга яшаб келган аёл Ж.Ш.нинг ишончига кириб, унинг 5.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган ҳолати бўйича унга ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан айблов эълон қилинган. Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясининг ҳукмига кўра, дастлабки терговда Х.Х.ни айблашда **фақатгина иш бўйича жабрланувчи Ш.Ж. ҳамда гувоҳ У.С.нинг кўрсатувлари асос қилиб олиниб**, тахмин ва гумонларга таянган ҳолда,

⁹ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 22/09-23-сонли жиноят иши бўйича апелляция инстанция судининг ҳукми.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т., 2024 <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 20.01.2025 й).

¹¹ Ўша манба.



Х.Х. томонидан жабрланувчи Ш.Ж.нинг 5.000 АҚШ доллари миқдордаги пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги ҳолатини тасдиқловчи *тилхатлар, мазкур келишувда иштирок этган гувоҳлар, аудио ёки видеоёзувлар ва шу каби ишончга сазовор, объектив далиллар аниқланмаганлиги* ҳамда жабрланувчи Ш.Ж.нинг кўрсатувлари ўз исботини топмаганлигини шубҳа остига қўйиб, мазкур шубҳани бугунги кунда бартараф этиш имкониятлари тугаганлиги сабабли, *ЖПКнинг 23-моддаси талаблари асосида ишда мавжуд шубҳаларни судланувчининг фойдасига ҳал қилиниб, ЖПКнинг 83-моддаси 1,2-бандларига асосан Х.Х.га нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган*¹².

Бу каби салбий ҳолатларга зудлик билан барҳам бериш, ушбу хато ва камчиликларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини тақазо этмоқда.

Юқоридаги салбий ҳолатлар гўёки ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳар бир тергов қилинаётган жиноят иши юзасидан шахсни жавобгарликка тортиш учун далиллар етарли ёки етарли эмаслигини баҳолаш бўйича меъёрий қоида белгилаш лозимлигини кўрсатади. Бироқ, жиноят турларининг кўплиги, улар бўйича турли хил тергов вазиятлари мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, бунининг имкони йўқ, албатта. Шундай бўлсада, суриштирувчи, терговчи ўз юритувидаги ҳар бир жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб, якуний қарор қабул қилингунига қадар тўпланган барча далилларни таҳлил қилиши ва улардан **айблов** ҳамда **оқлов** далилларини алоҳида-алоҳида ажратган ҳолда уларга ҳуқуқий жиҳатдан ҳолисона баҳо бериш лозим. Бу эса, шахснинг айбдорлиги бўйича далиллар етарли ёки етарли эмаслигига адолатли тарзда баҳо беришга имкон беради.

Маълумки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 379-моддаси 2-қисмига кўра, айблов ҳулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар сифатида айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар билан бир қаторда **айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган вазжлари ва уларни текшириш натижалари** ҳам баён қилиниши белгиланган¹³. Бироқ, бугунги кунда тергов қилинаётган жиноят ишларининг деярли барчасида фақатгина айбланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар келтирилмоқда, холос¹⁴. Бу эса, табиийки, судья иш материаллари билан танишиш жараёнида унинг онгида айбланувчи ўша жиноятни содир этган шахс сифатида гавдаланишига олиб келмоқда.

Юқорида келтирилган қатор масалалар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилларига кўра, суриштирувчи ва терговчи ўз юритувидаги жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш ҳамда айбсизлик презумпцияси тамойилига амал қилиш учун қуйидаги жиҳатларга аҳамият бериши тавсия этилади:

¹²Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатининг апелляция инстанциясининг 262871/2021-412-сонли жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукм.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т., 2024 <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 22.01.2025 й.).

¹⁴ 2023 йил давомида айблов ҳулосаси ва айблов далолатномаси билан тамомланган жиноят ишларининг таҳлили.



1) исботлаш жараёнида ҳимоячилар томонидан тақдим этилган илтимосномалардаги ҳолатлар, гумон қилинувчи, айбланувчининг келтирган важларини холисона текшириш;

2) шахсга нисбатан айб эълон қилиш (айрим ҳолатларда айбловни тўлдириш, тугатиш)дан аввал иш бўйича тўпланган барча далилларни “айбловчи” ва “оқловчи” далилларга ажратган ҳолда, уларга холисона ҳуқуқий баҳо бериш;

3) жиноят ишининг айблов хулосаси ёки айблов далолатномасида айбланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар билан бир қаторда унинг айбини рад қилувчи далилларни, шу билан бирга шахснинг келтирган важлари ва ҳимоячи томонидан тақдим этилган материалларнинг ўрганиш натижаларини ҳам акс эттириш.

Мазкур амалиётнинг йўлга қўйилиши шахсга нисбатан айб эълон қилишда жойларда турлича ёндашувларнинг олдини олиш, шунингдек иш юзасидан холисона қарор қабул қилишга ҳамда айбсизлик презумпцияси тамойилига тўла даражада амал қилишга эришиш мумкин.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон фармони <https://lex.uz/docs/4939467> (Мурожаат қилинган сана: 05.01.2025 й.).
2. Каминская В.И. Учение о правовых презумпциях в уголовном процессе. <http://lawlibrary.ru/izdanie2623.html> (Мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.).
3. Касумов Ч.С. Презумпция невиновности в советском праве. <http://lawlibrary.ru/izdanie8146.html> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.);
4. Строгович М.С. Право обвиняемого на защиту и презумпция невиновности. <https://ebooks.znu.edu.ua/files/Bibliobooks/Inshi45/0035598.pdf> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.);
5. <https://sudyalaroliykengashi.uz/uploads/pages/.pdf> Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 06.01.2025 й.);
6. Судлар томонидан 2022 йилда чиқарилган оқлов ҳукмларининг таҳлилий натижалари;
7. Дастлабки тергов ва суриштирув идоралари томонидан 2022-2023 йилларда тергов қилинган жиноят ишларининг статистик таҳлилий натижалари;
8. 2023 йил давомида айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан тамомланган жиноят ишлари ва суд ҳукмларининг таҳлилий натижалари;
9. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 22/09-23-сонли жиноят иши бўйича апелляция инстанция судининг ҳукми;
10. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т.,2024 <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 20.01.2025 й.);
11. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т.,2024 <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 20.01.2025 й.);



12. Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясининг 262871/2021-412-сонли жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукми;
13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси Т., 2024 <https://lex.uz/docs/111460> (Мурожаат қилинган сана: 22.01.2025 й.);
14. 2023 йил давомида айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан тамомланган жиноят ишларининг таҳлили.